



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН Фойдаланишда ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Сўнги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан, ноқонуний қурилувлар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараён-

ларини жадаллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6243-сон фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш билан боғлиқ республика ва маҳаллий дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан мунтазам назорат ўрнатиш;

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИНИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ Қўллаб-қувватлашнинг қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорига талаб ва таклиф ному-таносиблигини қисқартириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги "Ҳудудларнинг санаят салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6244-сон фармонида мувофиқ республиканинг 24 та туман ва шаҳарлари қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, "Узсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

1-иловага мувофиқ республиканинг 8 та туманида хомашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбол материаллар ишлаб чиқаришга қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш;

▶ Давоми 2-бетда

2-иловага мувофиқ республиканинг 16 та туман ва шаҳарларида бошқа ҳудудлар билан санаят кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;

ҳар бир ҳудудда камида биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва тайёр кўп қаватли уй-жойлар қуришга қўшилган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. 2022 йилда янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ва уй-жой қурилиш кластерларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 мартдан бошлаб: барча юридик шахсларга республикада ишлаб чиқариладиган цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат бериллади;

▶ Давоми 2-бетда

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ЕЛКАСИГА ОФТОБ ТЕККАН ЯНГИҲАЁТИМ

Бу ерлар Тошкентнинг энг чекка жойлари ҳисобланарди. 1966 йилги зилзиладан сўнг шаҳар қаддини тиклаш учун собиқ иттифокнинг турли республикаларидан ёрдамга келган қурувчилар вақтинча яшаб, сўнгра бузиб ташланишга мўлжалланган, ёғочдан ясалган, аҳоли томонидан "финская деревяшка" деб аталадиган уйлар худуд кўрқига соя ташлаб турарди.

▶ Давоми 6-бетда



Хаким Илудоев олган сурат

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



Рашида Галиева олган сурат

Жорий йил бошдан давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. Халқимиз бу лавозим эгаларига бугунги ислохотларнинг янги босқичида юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, деган катта ишонч билан қарамокда. Мамлакатимиз раҳбари эса "Ҳоким ёрдамчилари Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади", дея уларнинг фаолиятига юқори баҳо берди.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Терроризмга қарши кураш ва минтақавий ҳамкорлик

2022 йил 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида "БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Бир-галикдаги ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" мавзусида ўтказиладиган халқаро конференция ғоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Ушбу глобал анжуман минтақа мамлакатлари ҳамда жаҳон ҳам-жамияти сазй-ҳаракатларини терроризмга қарши ҳамжихатлик билан курашиш учун бирлашиш ва фаоллашишга даъват этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, "Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳитини яратишга эришдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди".

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан сўзлаган ушбу нутқида бугунги кунда

Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётгани ҳақида сўз юритар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал аксилтеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганини қайд этди.

Ўз навбатида, Президентимиз "Биз ушбу стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш тарафдоримиз", деб таъкидлади.

▶ Давоми 3-бетда



2 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН БМТГА АЪЗО БЎЛГАН КҮН

Ўзбекистон — ИИКОТО: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ Йўлидаги ҲАМКОРЛИК

2 март куни Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига 30 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг барча тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Иқтисодиёт соҳаси ҳамкорлик йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ИИКОТО) мамлакатимизнинг муҳим ҳамкори ҳисобланади.

Жуғрофий қамрови ва аҳоли сони бўйича БМТнинг бешта минтақавий комиссиясининг энг йирик органи бўлмиш ИИКОТО 1947 йил 28 март куни ташкил этилган. Комиссия

қароргоҳи Бангкок (Таиланд) шаҳрида жойлашган. Комиссия 53 та овоз берувчи мамлакатдан, жумладан, МДҲнинг саккизта давлатидан (Россия, Озарбайжон, Арманистон,

Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон) ва сиёсий мустақиллик даражасига етмаган 9 та ҳудуддан иборат бўлиб, улар маслаҳатчи овоз бериш ҳуқуқига эга ассоциация аъзолари мақомига эга. Тўрт давлат — Буюк Британия, Нидерландия, АҚШ ва Франция "минтақавий бўлмаган аъзолар"дир. ОТОИИК Ижрочи котиби лавозимида 2018 йил 1 ноябрдан буён БМТ Бош котиби Уринбосари Армида Сальсия Алишхана фаолият кўрсатиб келмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ
САМАРАДОРЛИГНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва мўлжалланмаган ер участкаларини ажратишда Ер кодексида белгиланган талабларга риоя қилинишни таъминлаш юзасидан доимий назоратни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — “E-qaror” тизимини (кейинги ўринларда — “E-qaror” электрон тизими) доимий равишда мониторинг қилиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорларга нисбатан таъсир чораларини кўриб бориш;

ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳолини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни кўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

илғор хорижий тажриба асосида ердан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаса маблағлари, шунингдек, соҳага йўналтирилаётган тегишли бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари мақсадли сарфланишини ўрганиб бориш.

2. Прокуратура органлари зиммасига юкланган қўшимча вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура таркибидан 8 та штат бирлигидан иборат бўлган Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида эса умумий сони 56 та штат бирлигидан иборат бўлган Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўлиmlари (кейинги ўринларда — бўлиmlлар) ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган Бошқарма ва бўлиmlлар прокуратура органларининг 32 та, Қишлоқ хўжалиги вазиrлиги тизимининг 15 та, Сув хўжалиги вазиrлиги тизимининг 7 та, Вазиrлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 10 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Бошқарма ва бўлиmlлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон фармони билан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратураларга юклатилган вазифаларнинг ижро этиб борилишини ташкиллаштирсин.

3. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича Бош прокуратура (1007 қисқа рақами) ва Кадастр агентлигига (1097 қисқа рақами) юборилган фотосурат ва видеоёзувлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиларига (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) ўз ҳудудда қурилиши бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳуқуқи берилади, бунда:

мазкур сўровлар 5 иш кунига мажбурий тартибда кўриб чиқилиб, қурилиши бошланган бино ва иншоотларга рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этилади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сўровлар асосида олинган маълумотларни ўз биносидан барча фуқаролар учун кўринарли бўлган жойда жойлаштириш ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни бир кунлик муддатда ер соҳасида назоратни амалга оширувчи органларга тақдим этилади.

Кадастр агентлиги икки ой муддатда Ер кодексининг 84-моддасида назарда тутилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний фойдаланиш бўйича хабар берган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш тартибининг Вазиrлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки, ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг мониторингини юритиш бўйича яратилган “E-YER NAZORAT” автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда — “E-YER NAZORAT” тизими) такимллаштириш мақсадида:

“E-YER NAZORAT” тизимига ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида киритиш ва ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазиrлиги, Қишлоқ хўжалиги вазиrлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг ҳудудий бўлиmlлари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маълумотларини киритиш тартибининг белгилансин.

“E-YER NAZORAT” тизимида ер участкалари билан боғлиқ содир этилган жиноятлар бўйича маълумотлар харитаси алоҳида юритилади.

Кадастр агентлиги Бош прокуратура ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда бир ой муддатда “E-YER NAZORAT” тизимига кўзатишга жиноят ишлари ҳақидаги маълумотларни киритиш тартибининг белгилансин.

5. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ташкил этилаётган Бошқарма Адлия вазиrлиги билан биргаликда:

“E-qaror” электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатларини доимий равишда мониторинг қилиб боради;

мониторинг натижаларига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар юзасидан дарҳол прокурор назорати таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди.

6. Қишлоқ хўжалиги вазиrлиги, Сув хўжалиги вазиrлиги, Транспорт вазиrлиги, Энергетика вазиrлиги, Соғлиқни сақлаш вазиrлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазиrлиги, Халқ таълими вазиrлиги, Мактабгача таълим вазиrлиги, Маданият вазиrлиги, Спортни ривожлантириш вазиrлиги, Туризм ва маданий мерос вазиrлиги,

Ички ишлар вазиrлиги, Мудофаа вазиrлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Худудгазаъминот” АЖ, “Узтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ:

уч ой муддатда ўз тизимидаги корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ер участкаларини хатловдан ўтказсин ҳамда кейинчалик доимий равишда ер участкаларидан самарали фойдаланилишини ўрганиб бориш;

ҳар чорақда ўзига тегишли бўлган ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни Бош прокуратурага тақдим этиб бориш.

Мазкур бандда назарда тутилган вазиrлик ва идоралар раҳбарларига бириктирилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши ҳамда улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин.

7. “Ўзбеккосмос” агентлиги Кадастр агентлиги, манфаатдор вазиrлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар синов тарихида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қўйраб ва Тошкент туманларида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоотларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш чораларини кўрсин.

Вазиrлик ва идоралар “Ўзбеккосмос” агентлиги сўровига асосан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминласин.

Бунда космик суратларни олиш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар “Ўзбеккосмос” агентлиги ва Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги Кадастр агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда ўтказилган синов натижаларидан келиб чиқиб, ушбу амалиётни республиканинг бутун ҳудудда жорий этиш юзасидан таклифларни 2023 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ўзларининг юридик хизматлари, ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорларини куйидаги график асосида хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

2022 йил 1 майга қадар — 2016-2021 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2022 йил 1 августга қадар — 2006-2015 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2023 йил 1 январга қадар — 2006 йилгача қабул қилинган қарорлар.

“Ўзархив” агентлиги ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда 2022 йил якунига қадар давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа

қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

Ҳоким ёрдамчилари хатлов натижасида аниқланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида фуқароларга фаол амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Ер кодексининг 83-моддасида ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аҳолини сифати ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан тизимий назорат ўрнатиш мақсадида:

Қишлоқ хўжалиги вазиrлиги экин ерларидан оқилона ва самарали фойдаланилиши, режадаги экинларнинг экилиши ва парваришланиши аҳоли бўйича ҳар чорақда камида бир мартаба мониторинг ўтказсин;

Кадастр агентлиги ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўрсин, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини кучайтирсин.

Қишлоқ хўжалиги вазиrлиги ва Кадастр агентлиги амалга оширилган ишлар натижаси ҳақида ҳар чорақ якунидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазиrлар Маҳкамаси ва Бош прокуратурага ахборот бериб бориш.

10. Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш юзасидан тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазиrлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими, ҳудудий тезкор-қидирув хизматларида эса Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлиmlлари ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган тузилмалар 73 та штат бирлигидан иборат бўлиб, улар ички ишлар органларининг 30 та, адлия органлари ва муассасаларининг 43 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

11. Белгилансинки: прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Қишлоқ хўжалиги вазиrлиги ҳамда Кадастр агентлигининг учувчисиз учини аппаратлари (дронлар)дан, заруратга кўра, тўловсиз фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

Ички ишлар вазиrлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибидаги Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими ва унинг ҳудудий бўлиmlларининг ер муно-

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИУЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШНИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ
Қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

2024 йил 1 январга қадар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакилларига) қурилиш материалларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадор давлатларга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизгача миқдорини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

5. Молия вазиrлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазиrлиги ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан биргаликда:

2022 йил якунига қадар капитал бозорлари конъюнктурасидан келиб чиқиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 300 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда халқаро корпоратив облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш ҳамда уй-жой қурилиши кластерларини қўллаб-қувватлаш учун 150 миллион АҚШ доллари миқдорида Ҳукумат кафолатисиз хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг sanoat саноатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сон фармонида кўра Тўқланмиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга ажратилган кредит линиясини 5 йил муддатга субординар қарз сифатида қайта расмийлаштириш чораларини кўрсин.

6. Қурилиш вазиrлиги қурилишда энергия тежамкор материалларни кенг жорий этиш орқали уй-жой қурилиши вақти ва таннархини пайсатириш мақсадида:

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик доимий равишда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида мазкур қарорга 4-иловадаги рўйхатда келтирилган энергия тежамкор деворбор қурилиш материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари юзасидан кенг тарғибот қилиб бориш;

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг филиаллари томонидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараё-

нида уларда энергия тежамкор деворбор қурилиш материаллари қўлланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини таъминласин.

7. 2022-2023 йилларда янги норузда қонларини шакллантириш учун геология-қидирув ишларини амалга оширишнинг манзилли режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геология-қидирув ишлари учун ажратиладиган маблағлар доирасида 100 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилади.

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 400 та фойдали қазилма кон участкалари аукцион савдопарига чиқарилишини таъминласин.

9. Хоразм вилояти учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5233-сон қарорига мувофиқ зарур

ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати камида 50 миллиард сўм миқдорда белгилансин.

Бунда, ушбу тартибга кўра қиймати 50 миллиард сўмдан 200 миллиард сўмгача бўлган инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш харажатлари ушбу лойиҳалар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

10. Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари sanoatини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазиrлиги

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль

Қурилиш вазиrлиги, манфаатдор вазиrлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазиrлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазиrлигининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси С.С.Аннакличев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазиr ўринбосари С.У.Мурзақов зиммасига юклансин.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Бўлажак Тошкент халқаро анжумани Ўзбекистон Президентининг айни шу ташаббуси доирасида ташкил этилмоқда. Конференциянинг БМТ шафелигида, халқаро ва минтақавий ташкилотлар иштирокида ўтказилаётгани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат ва унинг жаҳон минбарларидан эълон қилинган ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг ҳамда қатъий қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда Марказий Осиё ҳудуди минтақавий ривожланишнинг барча жиҳатларига — сиёсат ва иқтисодиёт, экология ва маданий-гуманитар мезонларга таъсир кўрсатуви жиҳидий геосиёсий ўзгаришлар даврини босиб ўтмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида қайд этганидек, “Марказий Осиё геостратегик жойлашувига қўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақаси доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган”.

Бундай ёндашув минтақанинг ялпи сиёсий-иқтисодий ва маданий-гуманитар манзарасига ижобий таъсир кўрсатиши қолмади. Ушбу сиёсат асосини “Марказий Осиёни хавфсизлик, изчиллик ва барқарор ривожланиш минтақасига айлантириш устуворлиги” ташкил этади. Ҳозирги пайтда минтақамизда корона-вирус пандемиясининг оқибатларига қарамай ҳамкорликнинг чуқурлашуви бўйича барқарор тенденция кўзатилмақда.

Глобал аксилтерроп стратегияси ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси

БМТнинг 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган Глобал аксилтерроп стратегиясининг тўртта асосий қисмидан биттаси инсон ҳуқуқлари мазмунига бағишланган. Ушбу бўлим “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон миқёсида ҳурмат қилиниши ва қонун

устуворлигини терроризмга қарши курашнинг асосий таянчи сифатида таъминлаш бўйича чора-тадбирлар”, деб номланганини қайд этиш лозим.

Глобал аксилтерроп стратегиясида эътироф этилганидек, терроризмга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган таъсирчан чора-тадбирларнинг бири бошқасини асло инкор этмайди. Аксинча, улар ўзаро бир-бирини тўлдириб, терроризм жабрдийдаларининг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш учун ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”даги олтинчи устувор йўналиш “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” деб номлангани бежиз эмас.

Айниқса, ушбу устувор йўналишнинг “Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг самарали механизмларини шакллантириш” сарлавҳали 82-мақсади муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда Тараққиёт стратегияси доирасида, жумладан:

— экстремизм ва терроризмин келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирининг олдини олиш ва бундай таъсирга тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш;

— аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш;

— экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг

— дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжамиятликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан, экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш каби муҳим масалалар доирасида изчил ишлар бошлаб юборилган.

Халқаро конференцияда инсон ҳуқуқлари масалаларига катта эътибор қаратилаётгани, таъбир жоиз бўлса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида илгари сурган “Инсон қадрини устувор” тамойили билан ўзаро уйғун ва ҳамохандир. Бундан анжуман доирасида “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон миқёсида ҳурмат қилиниши ва қонун устуворлиги таъминланиши — терроризмга қарши курашнинг асосий таянчи” мавзуси алоҳида сессия мажлисида муҳокама қилиниши кўзда тутилаётгани ҳам алоҳида таъкидланади.

Мамлакатимиз БМТнинг Глобал аксилтерроп стратегиясини қўллаб-қувватлаган, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протоколни ратификация қилган.

Бундан ташқари, бу борада мамлакатимизда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Жинсий фаолиятдан олдинги даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

БМТ ва Ўзбекистон: терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик

“БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН МУЛОҚОТИ, ШУНИНГДЕК, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИДАГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ ВА БРИФИНГЛАРДА ҲАМ ЎЗБЕКИСТОННИНГ “МЕХР” ОПЕРАЦИЯСИ ДОИРАСИДА ФУҚАРОЛАРНИ МАМЛАКАТГА ҚАЙТАРИШ, РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА РЕИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ.

шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

— дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш;

— хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;

— фаолият экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш;

— Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтерроп стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;

— Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашишуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;

нарлиси, дунёда фаровон жамиятлар, халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликнинг мавжудлиги улкан таҳдид остида қолади.

Бундан ташқари, мазкур резолюцияда барча давлатлар ҳукуматларидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачисига унинг зиммасига қўлланган вазифа ҳамда мажбуриятларини бажаришида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши сўралган.

Шу ўринда БМТ Махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайнинг мамлакатимизга 2021 йил 28 ноябрь – 7 декабрь кунлари амалга оширган ташрифи давомида Ўзбекистон томони у билан яқин ҳамкорликда иш олиб борагани ҳақида мухта-сар тўхталиш мақсада мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Махсус маърузачиси Ф.Ни Аолайни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қўша халқаро тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

БМТ Махсус маърузачиси Ўзбекистон Президенти билан мулоқоти, шунингдек, кенг жамоатчилик иштирокидаги матбуот анжумани ва брифингларда ҳам Ўзбекистоннинг “Меҳр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Ф.Ни Аолайн Сурия, Ироқ ва Афғонистондан қайтиб келган шахсларнинг реабилитация марказига ташриф буюрди. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги мазкур масканда ўз вақтида “қайноқ нуқта” лардан олиб чиқилган аёллар ва болаларни реабилитация қилиш учун яратилган шароитлар билан таниди.

“Оила бирлиги ва жамиятнинг қўллаб-қувватлашига асосланган ўзбек модели репарация қилиши, боланинг манфаатини қўллаш ва сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳаракатлар марказида ўчоқли ҳудудлардан қайтган аёлларни самарали реинтеграция қилиш бўйича энг яхши амалиёт намунаси” деди БМТ Махсус маърузачиси.

Жаҳон ҳамжамияти ва Ўзбекистоннинг “Меҳр” операцияси

Маълумки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 47-сессияси доирасида 2021 йил 5 июль кунини “Сурия ва Ироқдан олиб келинган аёллар ва болаларнинг реабилитацияси ҳамда реинтеграцияси” мавзусида ташкил этилган онлайн-тадбирда Ўзбекистон вакиллари иштирок этди. Мазкур семинарда Суриянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган “Ал-Ҳол” ва “Рож” лагерларида қарий 70 минг инсон — 57 давлат фуқаролари ҳисобланувчи асосан, аёллар ва болалар оғир аҳволда сақланаётгани тавши билан қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2019 йилдан буён Ўзбекистон Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги аёллар ва болаларни қайтариш бўйича бешта “Меҳр” операциясини ўтказди. Мажоролни ҳудудлардан мамлакатга жами 531 нафар фуқаро олиб келинди.

Жаҳон ҳамжамияти фуқароларини мажоролни ҳудудлар, шу жумладан, Ироқ ва Суриядан Ватанига қайтариш ва реинтеграцияси бўйича ҳаракатларини олишди. Бундай саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон каби фаоллик кўрсатган мамлакатлар кам экани эътироф этилди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, бу саъй-ҳаракатлар болаларни жабрланувчилар сифа-

“ГЛОБАЛ АКСИЛТЕРРОП СТРАТЕГИЯСИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАНИДЕК, ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАЪСИРЧАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ БИРИ БОШҚАСИНИ АСЛО ИНКОР ЭТМАЙДИ. АКСИНЧА, УЛАР ЎЗАРО БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРИБ, ТЕРРОРИЗМ ЖАБРДИЙДАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН НИҲОЯТДА ЗАРУР ҲИСОБЛАНАДИ.

тида тан олишга ҳамда болалар ва аёллар учун гендер масалалари инobatга олинган ҳамжамиятлар даражасидаги реинтеграция дастурлари ёрдамида уларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигига асослангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Янада муҳими, кучли техник ёрдам кўрсатиш ва инсон салоҳиятини кучайтириш орқали амалга оширилган ушбу саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, демократияни ривожлантириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ватанига қайтиб келган болалар, аёллар ва оилаларнинг жамиятга қайтадан интеграциялашуви, бир томондан, уларнинг ижтимоий жиҳатдан яқаланиб қолишига барҳам бера, иккинчи томондан, жамиятда камбағалликни камайтириш орқали тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

БМТ Махсус маърузачиси Ф.Ни Аолайнинг эътиборини алоҳида қайд этди. Бинобарин, Ўзбекистон халқаро майдонда терроризмга қарши курашда фаол иштирок этмоқда. Халқаро аксилтерроп коалициялар фаолиятини изчил қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, мамлакатимиз БМТ Аксилтерроп кўмитаси ва МДҲ Аксилтерроп маркази фаолиятида қатнашиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент халқаро конференциясида БМТ Глобал аксилтерроп стратегиясини амалга ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг ноёб тажрибаси тақдим этилади.

Шунингдек, анжуманда терроризмга қарши кураш борасидаги халқаро ва минтақавий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда БМТнинг ролини кенгайтириш ва давлатлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу мураккаб жараёнларда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш истиқболлари кенг муҳокама қилиниши қутилмоқда.

2 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН БМТГА АЪЗО БЎЛГАН КҮН

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — ИКОТО:
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Комиссия фаолияти минтақавий ва субрегионал ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, давлат органларига тўғридан-тўғри маслаҳат бериш, учрашувлар ўтказиш, зарур материаллар тақдим этиш, миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақавий тажриба ва маълумотларни умумлаштиришга қаратилган турли маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш орқали Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хисса қўлишига қаратилган.

Комиссияда тўққизта қўмита мавжуд бўлиб, қўмита сессиялари ҳар икки йилда бир мартаба ўтказилади.

Ўзбекистон 1992 йил 31 июль кунини ИИКОТОга аъзо бўлди. Мамлакатимизнинг Бангкоқдаги Бош консули бир вақтнинг ўзида Ўзбекистоннинг комиссиядаги вакили вазифасини бажаради.

Комиссия доирасида Ўзбекистон Осиё автомобиль йўллари тармоғи тўғрисидаги ҳукуматлараро битимда (2005 йил), Транс-Осиё темир йўл тармоғи тўғрисидаги ҳукуматлараро битимда (2009 йил), шунингдек, қуруқлик портлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимда (2021 йил) иштирок этиб келмоқда.

Ташкилот, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига яқиндан кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон 2021 йил ноябрь ойда ИИКОТОнинг барқарор ривожланиш учун космик технологиялардан фойдаланиш бўйича минтақавий дастурига аъзо бўлди. Вазирлар Маҳкамаси ушбу минтақавий дастур доирасида Ўзбекистон ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Ўзбекистон Президентининг Осиё-Тинч океани минтақасида барқарор

транспортни ривожлантириш тўғрисидаги декларацияга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги 2021 йил 14-17 декабрь кунлари ИИКОТО транспорт вазирлари конференциясида қабул қилинган ташаббусларини амалга ошириш масаласи ИИКОТО раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқилмоқда.

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва Марказий Осиё давлатларининг БМТ ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ИИКОТО БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Марказий Осиё мамлакатлари учун махсус дастурни амалга оширмоқда. Унда ижтимоий-иқтисодий соҳада аниқ лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, БМТ минтақавий комиссиялардан иккитасининг аъзоси бўлган Марказий Осиё мамлакатларига техник ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлганига 30 йил тўлиши муносабати билан ИИКОТО раҳбарияти “Дунё” АА агентлиги мухбирига берган интервью чоғида икки томонлама ҳамкорлик натижасида эришилган муваффақиятлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида фикр билдирди.

Армида Сальсия Алишбабана,
БМТ Бош котибининг ўринбосари
ва ИИКОТО Ижроч қотиби:

— Ўзбекистон ва унинг халқига Осиё ва Тинч океани учун БМТ Иқтисодий ва

ижтимоий комиссияси номидан ўз таъриқларимни йўллайман. БМТнинг Осиё минтақасидаги минтақавий маркази сифатида ИИКОТО ҳозирги пайтда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича кун тартибининг амалга ошириш, трансчеғаравий асосий масалаларни ҳал қилиш ва савдо, транспорт ва бошқа минтақавий устувор йўналишларни белгилашда минтақавий ҳамкорлик ривожлантирилишига стратегик эътибор қаратмоқда.

Осиё минтақаси ҳукуматларининг янада самарали тикланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ Бош котиб Антониу Гутерриш томонидан тақлиф қилинган “БМТнинг COVID-19га зудлик билан ижтимоий-иқтисодий жавоб бериш бўйича дастур”га мувофиқ, ИИКОТО COVID-19га ижтимоий-иқтисодий жавоб бериш бўйича дастурини ишлаб чиқди.

ИИКОТО ушбу ҳужжат доирасида қуйидаги учта йўналишда фаолият юритмоқда:

— одамларни ҳимоя қилиш ва уларга сармоа киритиш, жамият ва жамоаларнинг, айниқса, аёллар ва заиф гуруҳларнинг барқарорлигини ошириш;

— 2030 йил кун тартиби ва Париж келишувига мувофиқ, фискал ва пул-кредит рағбатлантириши орқали барқарор ва инклюзив иқтисодий тикланишни рағбатлантириш;

— савдо, инвестиция, транспорт ва

рақамли алоқаларни минтақавий ва суб-минтақавий мувофиқлаштириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш орқали қиймат занжирларини тиклаш ва уларнинг барқарорлигини ошириш.

Шу мақсадда ИИКОТО ва Ўзбекистон транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, транспорт тартибининг соддалаштириш, юқларни транзит ташвиш ва транспорт харажатларини камайтириш каби бир қатор муҳим устувор йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилмоқда.

ИИКОТО Ўзбекистон иштирок этадиган, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Осиё автомобиль йўллари ва Транс-Осиё темир йўллари тармоқлари бўйича ҳукуматлараро келишувларни амалга оширишда минтақавий платформа сифатида хизмат қилади. Комиссия Ўзбекистон билан қуруқлик портлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга қўшилиш юзасидан иш олиб бормоқда. Бу унинг халқаро интермодал транспорт ва логистика тизимларига янада интеграциялашувиغا кўмаклашади.

Ўзбекистонда транспорт соҳасини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатнинг бошқа давлатлар билан савдо имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасида трансчеғаравий қозғолиш сав-



қучайтириш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилли, деб ҳисоблайман.

Биз Ўзбекистоннинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, транзит салоҳияти, трансчеғаравий транспортни оsonлаштириш ва транспорт харажатларини камайтириш бўйича устувор мақсадларидан жуда яхши хабардоримиз.

ИИКОТО бу масалада Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Шу боис, ИИКОТО томонидан илгари сурилган биринчи минтақавий транспорт инфратузилмаси тармоғини таъкидлашнинг истардим. Осиё автомагистрალი тармоғи ва Транс-Осиё темир йўл тармоғи ҳукуматлараро келишувининг амалга оширилиши ноёб географик макон яратди. Йўлайманки, бу икки йўналиш Ўзбекистонга тармоқ тарихига кирувчи ва ҳатто ундан ташқаридаги мамлакатлар билан транспорт алоқаларини яхшилаш учун имконият яратди. Биз Ўзбекистоннинг ҳар икки битимдаги иштирокидан жуда мамнунмиз.

“Дунё” АА,
Бангкок



Оғир экологик шароитга қарамасдан, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қорақалпоғистон Республикасини, унинг барча шаҳар, туман ва овуллари комплекс тарзда ривожлантириш, меҳнаткаш ва матонатли, оққўнгил ва бағрикенг қорақалпоқ элининг ҳаётини обод ва фаровон этишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Натижалар қоғозда эмас, амалда кўриняпти

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

Бошланиши 1-бетда

Хўш, бугун аҳоли муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда мутлақо янги механизм сифатида эътироф этилаётган "маҳаллабай", "хонадонбай" ишлаш тизими қандай самара бермоқда? Ҳоким ёрдамчилари ўз зиммаларидаги вазифаларини қай даражада ундаётган? Келинг, бу борадаги ишларни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида таҳлил қилиб кўрайлик.

Қораўзақ туманида 13 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғини мавжуд. Хусусан, Қутли маҳалласида 1024 та хонадон бор. Бу ҳудудга бириктирилган ҳоким ёрдамчиси ҳар бир хонадонни атрофлича ўрганиб чиқмоқда. Маҳаллада истиқомат қилаётган 4467 фуқаронинг 652 нафарини ёшлар ташкил этади. Урганишлар кўрсатдики, навқирон авлод вакиллари таълим олишга шай бўлиб, амалда кўриляпти.

Кувончбой Кемалов ана шундай иштиёқли баланд ёшлардан. У болалигидан балик парваришга қизиққан. Шу қизиқиш туфайли бугун тадбиркорга ясаб, турли ноёб баликларни кўпайтирмоқда.

— Балик боқишинг ҳам ўз гашти бор, — дейди Қ.Кемалов. — Хонадон шароитида аквариумларда лўқма ҳалол этиштириш жуда қулай. Унча катта харажат талаб қилмайди. Энг муҳими, иштиёқ ва эътибор бўлса, етарли. Қолаверса, оиламиз билан биргаликда қуён ва товуқ ҳам боқамиз. Ҳоким ёрдамчиси хонадонимизда

ташқил қилган кичик бизнесимни маҳалламизда оммалаштирмоқчи. Бу борада маҳалладошларимга қўлимдан келганча ёрдам бермоқчиман.

Қутли маҳалласида Гулистон Мамбетниёзова эса уйда пишириқлар тайёрлайдиган мўъжазгина цех очди. Сифати, таъми ва қадоқлинидаги ўзига хослиги туфайли унинг маҳсулоти маҳаллий бозорда харидорини топмоқда. Ҳоким ёрдамчиси Гулистонга тадбиркорлигини кенгайтириш ва шу орқали қўшимча иш ўринлари ташқил этишга кўмаклашмоқчи.

— Дастлаб уйма-уй юриб, барча оилаларнинг имконият ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилганмиз, — дейди Қутли маҳалласига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Айдос Жуманиёзов. — Ҳудудимизда 35 нафар тадбиркор билан бирма-бир суҳбатлашганимда, уларнинг барчаси ўз фаолиятларини кенгайтириш ниятида эканини айтди. Уларга бу борада, хусусан, кредит ажратилишида яқиндан кўмак берилди. Шу билан бирга, маҳалламиздаги тадбиркор ва хунармандлар "устоз-шогирд" аъёнларини ҳам давом эттирмоқда.

Тахтақўприк туманидаги 17 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинининг барчасида ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. "Белтов" овул фуқаролар йиғинига Алимжон Баймбетов бириктирилган. — Маҳалламиздаги 167 та хонадонда 1068 фуқаро истиқомат қилади. Худуд драйвери чорвачилик ҳисобланади. Шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланувчилар ҳам бор. Дастлабки ўрганишларимга кўра, 69 фуқаро ишсиз экани аниқланди. Ҳар бирининг имконияти ва касбий маҳоратига қараб иш билан таъминлаш бора-бора амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди А.Баймбетов. — Хусусан, Сердали Жолдасбеёвнинг оилавий шароитини ўрганиб чиқганимда, товуқ боқишга қизиқиши ва тажрибаси борлигини инобатга олиб, унга инкубатор олишда амалий ёрдам кўрсатдик.



Маҳаллада аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан, уларга хунармандлик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиш учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишга кўмаклашилмоқда ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тахтақўприк Камила Алденова ҳам олдин ишсиз эди. Унга имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди.

— Бола парваришида бўлганим боис, уйда ўтиришга мажбур эдим. Мутасаддилар кўмаги билан банкдан 25 миллион сўм кредит олдим, — дейди Камила. — Бугунги кунда нон чеги ва озиқ-овқат маҳсулотлари дўконини ишга туширдим. Маҳалламиздаги икки қизини иш билан таъминладим. Ҳоким ёрдамчиси иш фаолиятимизни ўрганиб, бизнесимни янада кенгайтиришимда ёрдам берадиган бўлди.

"Бўзатов" посёлка фуқаролар йиғини туман марказида жойлашган. Худуд аҳолиси, асосан, боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Шунингдек, сўнгги йилларда бўзатовликларнинг тадбиркорликка қизиқиши ҳам ортган.

— Энг аввало, ишимни тумандаги бўш иш жойларини ўрганишдан бошладим. Худудимиздаги фуқароларга бу буйича маълумот бериб, уларга маълум қилганларни ишга жойлаштириш, — дейди мазкур посёлка фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Нурлан Жандуллоев. — Натижада олий маълумотли икки фуқаронинг ўз мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга эришилди. Шу билан бирга, ўз хонадонидан парандачилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандлик ва тадбиркорлик билан шуғулланган деган одамларга ҳам банк кредити маблағлари ажратилиши борасида ўрганишлар олиб борилган.

Биз инсон қадрини деганда, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни, аҳоли учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташқил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатишни, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш беришни тушунамиз. Утган 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича "Темир дафтар"га киритилган 15190 та оилага ҳамда "Ешлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган жами 94 минг нафардан зиёд фуқарога ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилди. Жами 3 та жамғармага маҳаллий бюджетдан 42,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Эндиликда эса жорий йил давомида ижтимоий дафтларга киритилган 10 мингдан ортиқ фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилган.

ТИББИЁТ

Хоразмлик 48 ёшли Фурқат Жуманиёзов бир неча йиллардан буюн сурункали буйрак етишмовчилигидан азият чекиб келарди. Унга сингилсини бир буйрагини беришга қарор қилди. Шундан сўнг ака-сингил мазкур амалиётга олти ой тайёрларлик кўрди.

Илк бор туман шифохонасида буйрак кўчириб ўтказилди



— Беруний тумани тиббиёт бирлашмасида Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари томонидан трансплантация амалиёти муваффақиятли бажарилди. Беморга сингилсининг битта буйраги кўчириб ўтказилди. Ҳозир ака-сингилларнинг аҳоли яқини, — дейди Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси Жасур Собиров.

Ушбу амалиёт қорақалпоғистонлик шифокорларга тажриба алмашиш ва малака ошириш имконини ҳам берди.

— Бундай ноёб жарроҳлик амалиётининг туман даражасидаги шифохоналарда ўтказилиши ўз-ўзидан бўлмади. Бунга жуда катта тайёрларлик кўрилди. Операция муваффақиятли ўтди. Энди ушбу амалиётни тўхтатмаслик керак, — дейди Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси Зоҳиджон Матқаримов. — Тўртта беморни қуриқдан ўтказдик. Уч нафарининг Тошкентта боришига имконияти йўқ эди. Туманга замонавий тиббиёт дастохларининг олиб келиниши умидвор инсонлар учун катта янгилик бўлди. Ўзгалган трансплантация амалиётининг асосий қисминини маҳаллий шифокорларнинг ўзлари бажаришди. Уйлаймани, уларда бу борада етарлича кўника шаклланди.

Сир эмаски, бундан уч-тўрт йил олдин мазкур касалликдан азият чекаётган беморлар катта маблағ эвазига чет давлатларда даволаниб келишга мажбур эди. Қорақалпоғистондаги буйрак кўчириш амалиёти биринчи мартаба ўтган йили Нукус шаҳрида муваффақиятли амалга оширилган.

— Хорижда операция қилдириш жуда қimmat экан, — дейди бемор Фурқат Жуманиёзов. — Қолаверса, бунга имкониятим ҳам етмасди. Поитхатдаги тиббиёт марказига мурожаат қилдим. Улар менга ташхис қўйиб,

Берунийда операция қилганидан бўлишди. Мана, бепул жарроҳлик операциясини амалга оширишди. Ҳаммаси учун шифокорларга катта раҳмат айтаман.

Кегейли туманилик ота ҳам ушбу касаллик билан оғирган ўлига буйрагини берди. Бу жарроҳлик амалиёти ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

— Бундан ўн йиллар аввал синглим Гулнора буйрак касаллигига чалинганда олиб борманган шифохонамиз қолмаганди. Ушунда шифокорлар бу дарднинг давоси фақат буйракни тозалаш туруши, яъни мунтазам диализ қилиш керак, дея маслаҳат берганди. Диализ аппарати эса фақат Тошкентдаги клиникаларда бўлиб, унга бағбатга ёзилиш, оилаб навбат куттиш лозим бўларди, — деб эслайди Халилла Ешимбетов. — Тошкентга бориб, Гулнорани бир курс даволатдик. Иккинчисига ҳоли етмади. Охир-оқибат синглим вафот этди. Берунийдаги янгиликни эшитиб, бир томондан қувондим, бир томондан афсусландим. Агар ўн йил олдин шундай имконият бўлганда эди, синглим ҳозир ҳаёт бўларди. Минг афсус...

Буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти туманлар ичиде илк бор Берунийда амалга оширилди. Бунда тошкентлик докторлар билан бирга маҳаллий шифокорлар — Халилла Ёсполоев ва Бозорбой Оразалиев ҳам иштирок этди. Ишончимиз комилки, эндиликда туман шифокорлари ҳам бундай мураккаб операцияларни бемалол бажара олишади.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Тиббиётнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат томонидан етарлича маблағ, четдан тиббиёт ускуналарини олиб келиш учун солиқ ва боғнона имтиёзлари берилгани соҳа тараққиётида туб бурилиш ясамоқда. Бу каби ўзгаришлар олис туманларда ҳам бўй кўрсатиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти.

Қамиш харидоргир маҳсулотга айланмоқда

ИСЛОҲОТ

— Буни қаранг, қамишдан қоғоз ишлаб чиқармоқда. Уйга фойдаланишга олиб келдим, — деди Кегейли туманилик Қошқарбай Кидирниязов турмуш ўртоғига қоғоз салфеткаларни бераркан.

— Ростданми? Ўзимизнинг қишлоқдаги қамишдан ишлашибдими? Қизиқ, олдинлари бу қамишлар далаларда қолиб кетар, кейин ёқиб юборардик. Фойдаланса бўлар экан, — деди турмуш ўртоғи хайратланиб.

— Ха, энди қамишларни ўриб, корхонага олиб бориб топширамиз ва даромад топамиз.

Юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам хомашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, иқтисодий тармоқларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самардорлигини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йилда 47 та худудий лойиҳа ҳисобидан 64,9 миллион АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ва кредитлари ўзлаштирилди. Натижада белгиланган режа 104 фоиз бажарилди. Ушбу дастур доирасида 2022 йилда жами 145,2 миллион доллар, шундан 115,5 миллион долларга тенг бўлган тўғридан-тўғри чет эл кредитлари ва инвестицияларини ўзлаштириш белгиланган.

Кегейли туманидаги "CENTRAL ASIA INTERNATIONAL PAPER" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси қурилишига 2018 йилнинг июль ойида киришилган эди. Утган йилнинг июль ойида корхона ўз фаолиятини бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, 20 дан зиёд фуқаро доимий иш билан таъминланди.



— Корхонамизда қамишдан қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, — дейди қўшма корхона бош директори Луи Жен Сквинг. — Мамлакатимизда инвестициявий муҳит жуда яхши. Келажакда бошқа лойиҳаларни амалга оширишни режа қилганмиз. Албатта, ҳамкорликдаги ишлар натижасида соҳаларда ривожланиш бўлишига ишонаман.

Ҳар кун 5 тонна атрофида уч турдаги қоғоз маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга корхонада маҳаллий хомашё — қамишдан фойдаланилади.

— 2020-2022 йиллари Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид қарорга асосан, Кегейли туманида умумий қиймати 348,5 миллиард сўмлик 82 та лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган. Жорий йил январь ойи ҳолатига ушбу лойиҳаларнинг 68 таси ишга тушиб, 702 та янги иш ўрни очилди. "CENTRAL ASIA INTERNATIONAL PAPER" ушбу лойиҳаларнинг энг йирикларидан бири ҳисобланади, — дейди Кегейли тумани ҳокимлиги инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиги Аллис Омонбоев. — Лойиҳа 2021 йили тўлиқ ишга туширилган бўлиб, ҳозирги пайтда корхона маҳсулотлари бутун Ўзбекистон бўйлаб савдо шохобчаларига тарқатилмоқда.

Шунингдек, 2021 йили кичик ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида тадбиркорликка кенг йўл очилиб, фуқароларнинг бандлиги таъминланяпти. Худудларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам яхшиланмоқда.

Нукуслик тадбиркор Мирас Танирбергенов фаолиятини 5 киши билан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, унга қарашли корхонада 20 киши доимий иш билан таъминланган.

— Корхонамиз 2017 йили ишга туширилган. Германия технологияси асосида мебель ишлаб чиқарилди, — дейди Мирас. — 2021 йили 3 миллиард сўмлик товар айланмасига эга бўлдик. Келажакда маҳсулот турларини ва иш жойларини кенгайтириш режамиз бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Мўйноқ туманида жами 232 миллиард 575 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобидан 73 та лойиҳа амалга оширилади ва 589 та янги иш ўрни яратилади.

— Утган йили туманимизда 32 миллиард 620 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига 19 та лойиҳа бажарилди. Натижада 105 та янги иш жойи ташқил этилди, — дейди Мўйноқ тумани ҳокимининг иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Салий Ильясов. — Жорий йилда эса жами 158 миллиард 556 миллион сўмлик 30 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 407 нафар фуқаро ишли бўлади.

Тумандаги "МУЙНАК LDSP" МЧЖ томонидан қамишдан қурилиш материаллари (панел) ишлаб чиқаришни ташқил этиш лойиҳасининг умумий қиймати 75 миллиард 801 миллион сўмдир. Унинг



ишга туширилиши натижасида йилига 50 минг квадрат метр ДСП ишлаб чиқариш ва 200 та (мавсумий 400 та) янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Бугунги кунда туман ҳокимлиги томонидан корхонага 50 гектар ер ажратиб берилди. Шу билан бирга, тумандаги Мақпал, Киши мақпал, Арка мақпал, Қизил кеме ва Шега қўлларидеги жами 5 753 гектар табиий сув ҳавзаларидаги қамишзор майдонлардан қамиш йиғиб олишига ҳам рухсат берилди.

Лойиҳага "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ томонидан ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда махсус техника воситалари харид қилиш учун 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилиб, қурилиш ишларининг 90 фоизи бажарилди. Хитойдан асоб-ускуналарнинг 90 фоизи олиб келинган ва 20-30 фоиз монтаж ишлари бажарилган.

— 2021 йилнинг апрель ойида ҳукумат комиссиясига корхонамиз ишга тушгандан сўнг айланма маблағ ҳамда қамиш урадиган махсус техника сотиб олиш учун 5 миллион сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилгандик. Ҳозирги кунда бу масала ижобий ҳал этилди, — дейди корхона директори Аскар Ниетуллаев. — Лойиҳа ишга тушгач, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш ва қўшимча янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда корхона фуқаролардан тўғридан-тўғри қамиш қабул қилмоқда. Улар билан жойида ҳисоб-китоб қилинмоқда. Албатта, мавсумий бўлса ҳам одамлар иш билан банд бўляпти. Маҳаллий хомашё, яъни қамишдан қоғоз, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши иқтисодийимизга ҳам, фуқароларимизга ҳам фойда келтиряпти.

Саҳифани "Янги Ўзбекистон" муҳбири Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ тайёрлади.

НУҚТАИ НАЗАР

КОМИЛЛИКНИНГ БЕЛГИСИ

ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир

Мамлакатимизда ҳар йили муайян соҳани ривожлантириш бўйича йил дастури қабул қилинади. Бу йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланди. Шунга биноан, Давлат дастури амалга ошириляпти. Бу йилги Давлат дастурининг кўлами ҳам, марралари ҳам олдингиларидан анча салмоқли, юксак. Буни белгиланган чора-тадбирлар ижроси учун аввалги йиллардаги нисбатан қарийб бир ярим баробардан зиёд маблағ ажратилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Рисбой Жўраев,
Ўзбекистон педагогика фанлари
илмий-тадқиқот институти
бўлим мудир, академик



2022 йилда шууримизга “Юртимизда жуда яхши ишлар қилиняпти. Биз илгари кўрмаган, эшитмаган, жозибали, янги ҳаёт бошлан-япти”, деган ўй қайта-қайта келяпти. Кўзимиз кўраётган, қулғимиз эшитаётган ўзгаришлар бунга далolat. Уларни бир иборатга жамласак, “Бўлар экан-ку!” деган хулоса келиб чиқади. Бу хулосалар янги Ўзбекистон деган нури иборадан таралаяпти. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмади. Ҳаётимизнинг кейинги беш йилдаги ғайрат, шижоат, ташаббуслар ижроси маҳсули булар. Бугун биз сифат ўзгаришларидан келиб чиқиб, ўзимиз ҳам, хориқликлар ҳам янги Ўзбекистон деб атаётган, мафкуриси янгилаётган Ватан-да яшаймиз. Чунки охириги беш йилда Ўзбекистон миллий ва халқаро миқёсда тамоман янги қиёфа касб этди. Мамлакатнинг жаҳоний обрўси ва мақоми янада кўтарилди.

Яна бир жиҳат одамни хурсанд қилади. 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маънавият, ёшлар тарбиясига қаратилган мақсадлар дадил илгари сурилган. Мана, қаранг: стратегияда “жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш”, “китобсевар миллат”, “буёқ аждодлар илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш” каби катта мақсадлар кўйилган. Стратегиянинг етти йўналишидан икkitиси бевосита маънавият, инсон капитали билан боғлиқ. Бу жуда қувонарли. Педагог олим сифатида инсон капиталига қаратилган алоҳида эътибордан қувондим. Куч олдим. Нега?

Глобаллашув, модернизация ҳаётимизга ҳар куни янги тушунчаларни олиб кираётир. Машина, ускуна, жиҳоз, технология жараёнлар янгилашиб, замонавийлашаётир. Чунки эскирган билим, кўникама, малака — булар иқтисодий жиҳатдан эски товар. Нима қилиш керак? Демак, одам доим ўз устиди ишлаши, узлуқсиз билим олиб, ўз инсон капиталини бойитиб бориши даркор. Негаки, “одамнинг билим ва малакаси капиталнинг ўзига хос шаклидир”, деган эди Нобель мукофоти лауреати Теодор Шулц.

Биз буюк алломаларимизнинг илмининг фойдаси ҳақидаги юзлаб дурдона фикрларини биламиз. Лекин илмга амал қандай бўлишини дунёда ҳеч ким Амир Темурдек аниқ ва ўз тажрибасида синаб кўриб айта олмаган бўлса керак. Мана, қаранг, Соҳибқирон бундай дейди: “Тажрибамда кўрилганким, азами қатъий, тadbиркор, хушёр, мард, шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан

яхшироқдир”. “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни енгади”, деган ҳикमत бор халқимизда. Мана шу ҳикматни бугун дунё олимлари инсон капитали, деб атаяпти аслида.

XX асрда академик С.Фишер “Инсон капитали — бу одамнинг фойда келтириш қобилиятининг улчови. Бунга унинг туғма қобилияти, таланти, билими ва орттирган касбий малакаси киради”, деган хулосага келди. Олимнинг фикрича, инсон капитали деганда одамларнинг сони эмас, креативлиги ва самардорлиги тушунилади. Мана шу умуминсоний юксалиқдан туриб қарасак, болаларга сифатли таълим бериш, ёшларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий етук, салоҳиятли мутахассис, ҳақиқий ватанпарвар инсон қилиб тарбиялаш гоёси замирида қанчалик залворли марралар кўзлангани кўринади.

Замонавий таълимнинг асосий мақсади жамият, давлат ва таълим олувчи шахснинг зарур эhtiёжини қондириш, мамлакатнинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қила оладиган рақобатбардош кадрларни тайёрлашдир. Кенг дунёқарашга эга, мустақил ва эркин фикрлайдиган, таълим жараёнини мақсадли моделлаштири биладиган ўқитувчи таълимнинг ёрқин истиқболлини белгилаб бера олади.

Ўқув жараёнининг асосий субъекти сифатида ўқувчининг самарали таълим олиши, “оммавий маданият” таҳдидларидан сақлана биллиши, ёш авлоднинг болаликдан миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, унда юксак гоёвий идеал ва эътиқодлар шаклланиши ҳамда одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишида ўқитувчининг ўрни катта. Мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселекторда давлатимиз раҳбари ўқитувчининг янги Ўзбекистон истиқболлини белгилаб беришдаги аҳамиятини юксак баҳолади. “Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ”, дея таъкидлади. Президентимизнинг

бидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия хисобидан”, дея ўқтиради.



Афсуски, айрим ижтимоий тармоқлардаги зўравонликка асосланган видеоўйинлар, маънавият ва одоб-ахлоқ меъёрларини оёқости қиладиган расм, видео ва кинолардаги ёт гоёлар ёшлар маънавиятига хавф солмоқда. Тарбия институти бу борада ожиз қолмаслиги, ўзининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиб, ишга солиши зарур. Ота-оналар ҳамда педагоглар ёшларни таҳдид солаётган ёт гоёлардан, ижтимоий тармоқлардан ҳимоялашга бевосита масъул.

Бу борада ўқитувчилар, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй хушёрлик ва огоҳликни ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бораётганини миқдор англаб, маърифат асосида иш олиб бориши зарур.

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, миллий онги ва тафаккурини ривожлантириш ҳамisha демократик жамиятнинг энг асосий мақсади ва матлаби бўлиб келган. Тарбиядан мурад қомил инсонни вояга етказишдир. Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдан иборат. Инсон капитали қанча бой бўлса, одамларга шунчалик кўп фойда келтира олади.

Зеро, тарбия ва маънавият эгиз тушунчалардир. Маънавият халқимиз тарихига ҳурмат ва эътибор билан ёндашиш, озод



“ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МИЛЛИЙ ОНГИ ВА ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМИША ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА МАТЛАБИ БЎЛИБ КЕЛГАН. ТАРБИЯДАН МУРОД КОМИЛ ИНСОННИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДИР. КОМИЛЛИКНИНГ БЕЛГИСИ ҲАҚ ЙЎЛИДАН БОРИБ, ХАЛҚҚА ФОЙДА КЕЛТИРИШДАН ИБОРАТ. ИНСОН КАПИТАЛИ ҚАНЧА БОЙ БЎЛСА, ОДАМЛАРГА ШУНЧАЛИК КЎП ФОЙДА КЕЛТИРА ОЛАДИ.

ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий оруз-интилишларга доир ҳаётий идеаллар, Ватан равнақи, эл-юрт осойишталиги, фаровон ҳаёт каби юксак гоёларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади. Бундай вази-фаларнинг барчаси мактаб ўқитувчиси зиммасига янгидан-янги талаблар юкляйди.

Албатта, муаммо қанчалик чигал бўлмасин, унинг ечимини ҳам мавжуд. Биз маънавият тарбиясининг азалий, тарихий шаклланган институтига эгамиз. Фақат унинг имкониятларини тўлиқ ўрганишимиз лозим. Жумладан, ўқувчиларни гоёвий-ахлоқий, маънавий-маърифий тарбиялашда одоб-ахлоқ ва ватанпарварлиги билан ёшларга ўрнак бўла оладиган сиймолар ҳақида маълумот бериш, қизиқарили, болалар ёши ва дунёқарашига мос педагогик насларни чоп этириш ва кенг тарғиб қилиши зарур. Айниқса, ижтимоий педагогик фаолиятни илмий асосга қўйиб, ота-оналар орасида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг туртинчи йўналишида белгилаб берилган инсон омили ҳақида билимларни кенг тарғиб қилишимиз талаб этилади.

Президентимиз яна бир ҳақ гапни айтди: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”. Давлатимиз раҳбари айтган ёруғ келажакни Ўзбекистон ёшлари барпо этади. Бунинг учун педагогларимиз ёш авлодга қатъий ҳаётий позиция, Ватанимиз тақдири учун юксак масъулиятни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга. Қалбида Ватан туйғусига йўрилган маънавият қарор топиши учун инсон қалбдан ва виждондан, ақл ва кўл билан меҳнат қилиши керак. Маънавият ва ҳалол меҳнат йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.



ЗАМОНДОШ

ЎҚИТУВЧИНИНГ ОЙЛИК ДАРОМАДИ – 3000 АҚШ ДОЛЛАРИГА ЯҚИН

У шунча пулни оиласидан узоқда, мусофирликда эмас, юртимизда топяпти

Бухоронинг Қоракўл туманидаги машҳур халқаро математика мактаби ҳақида эшитмаган, билмаган одам бўлмаса керак. Шерназар Саломов ана шу ихтисослашган мактаб-интернатда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ беради. Ўз ишининг фидойисини, ижодкор ва изланувчан ўқитувчи инновацион таълимни амалиётга татбиқ қилган. Унинг иш тажрибаси республика миқёсида кенг оммалаштирилган.



Муаллим дарсларга пухта тайёргарлик кўради. Янги педагогик технологиялар, шунингдек, “Дарс — муқаддас”, “Ўрган — ўргат”, “Биз бир жамоамиз” каби педагогик тавсиялардан ўринли фойдаланиб, ўқитишнинг интерфаол усулларини амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг математика фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришмоқда.

Педагогнинг ўқувчилари республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли танловларда муваффақият қозониб келмоқда. Жумладан, 2017 йили Ҳиндистонда, 2018 йили Болгарияда, Озарбайжонда, 2019 йили Жанубий Африка Республикасида математика фани бўйича бўлиб ўтган “International Mathematical Competition” (IMC-2019) олимпиадада Шерназар Саломов шоғирдлари олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган. Шунингдек, 2019-2020 йилларда ўтказилган “Москва III мингйиллик” танловида иштирок этган ўқувчилари кумуш медал соҳиб бўлди.

— Болалигимдан математикага қизиққанман, — дея хотирлайди педагог. — Доим нималарнидир кўриш ва айланишга, ҳамма нарсани хаёлан хисоб-китоб қилишга интилардим. Бу мени тартибга, вақтимни режалаштириш ва аниқликка ўргатди. Ўзим ҳам шу мактабда сабоқ олганман. Устоз муаллим, шу мактабнинг асосчиси Тўхтамурод Жумаевдан фидойиллик, меҳнатсеварлик, ўз устиди тинимсиз ишлаш, касбга муҳаббатни ўргандим.

Бугун ўзим устозлик мақомида ишлаб, ўқувчининг қамоли устознинг кўксини тоғдек кўтаришини яхши англаяпман. Шу кунга қадар ўқувчиларим бешта давлатда ўтказилган нуфузли халқаро олимпиадаларда икkitи олтин, 6 та кумуш, 3 та бронза медалга сазовор бўлди. 2019 йили ўқувчимиз Дониёр Исмоилов “Мард ўғлон” давлат мукофотига муносиб қўрилганда қанчалик хурсанд бўлганимни сўз билан ифода қилайман. Утган йили Россия Федерациясида ўтказилган халқаро математика олимпиадасида бир ўқувчимиз бронза медални қўлга киритгани меҳнатимиз бесамар кетмаётганини яна бир қарра исботлади. Ҳозир у Янги Ўзбекистон университетига тахсил олмақда.

Ҳақиқатан, мактабнинг самараси битирувчиларнинг ҳаётида муваффақиятга эришиши билан ўлчанади. Бунинг биринчи катта мезони ўқувчиларнинг олий таълим муассасасига ўқишга кириш кўрсаткичи бўлса, кейингиси муайян соҳада фаолият юритаётгани ёки бизнес билан машғуллигидир. Халқаро математика мактаби битирувчиларининг 95 фоиздан ортиги олий ўқув юртиларга ўқишга кираётгани, халқаро олимпиадалардан энг кўп медал олиб келаётгани замирида фидойи ва жонқур ўқитувчилар, хусусан, қаҳрамонимизнинг ҳам хисоси катта.

Малакали педагог болаларга кундалик ҳаётда ҳар бир қадамда математикани кўрсатиб қизиқтиришга, бу фанни фақат олий ўқув юртига кириш воситаси эмас, балки ҳаётини давомиди дуч келадиган масалаларга ечим беришга ёрдамчи сифатида тасаввур ўйотишга ҳаракат қилади. У доим “Математика — ақл гимнастикаси. Педагогнинг вазифаси — боланинг ақлини доимий чарқлаш, унинг ҳафсаласизлигига йўл қўймасликдир”, деган тамойилга амал қилади.

Ўқитувчи ҳурмат-эҳтиром жамиятини ўзгартиришдан бошланади. Шу боис, айнан халқ таълими соҳасидаги олохотларни бошлашда қўйилган энг катта вазифа ҳам жамиятда устознинг нуфузини ошириш бўлди. Педагог ҳодимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бугун Бухоронинг чекка туманида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ҳаётида ҳам ўз ифодасини топяпти.

тувчилари бир марталик пул мукофоти билан тақдирланмоқда. Менинг ҳам ўқувчим халқаро олимпиадада бронза медал соҳиб бўлгани учун кўшимча яна 150 фоиз устама оламан. Репетиторлик билан шуғулланаман. Хуллас, бугун жами ойлик даромадим 3000 АҚШ долларига етиб қолди.

Шерназар Саломов устозларининг пахта тергани, ободлаштириш ишларига жалб этилганига кўп бор гувоҳ бўлган. Ўқиш, ишлаш жараёнида ўзи ҳам бир неча бор таълимдан бошқа, хизмат вазифасига кирмайдишлар билан шуғулланишига тўғри келди. Муаллимликни ҳаётининг мазмуни деб билган педагог энг қийин пайтларда ҳам мактабни тарк этмади. Бугун жамиятда муаллимнинг мавқеини, ўқитувчилик касбининг нуфузини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Сўнги йилларда педагогларни турли юмушлардан, ортқича қоғозборликдан озод қилиб, таълим сифатига эътибор қаратилаётгани, уларнинг ойлик маоши 1,5 баробар оширилгани, устоз деган улуг мақомга муносиб қўрилаётгани минглаб ўқитувчилар қатори Шерназар муаллимнинг қалбига ҳам катта мамнуният, миннатдорлик туйғуларини олиб кирмоқда.

У бугун меҳнатларининг самарасини кўряпти. Ўқитувчининг обрўси ошаётганига, педагогларнинг ўз устиди ишлаши, болаларга қўшимча дарс бериши, даромад топишга имконият яратилганига гувоҳ бўлиб турибди. Зотан, ўқитувчилар маошининг поғонама-поғона кўтарилаётгани, устозлар мавқеини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар Президентимиз томонидан ўқитувчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Шерназар Саломов ишга янги қабул қилинган педагогларга мураббийлик қилади. Уларга дарсни самарали ташкил этиш методикаси, болалар психологияси, дарс ўтиш методлари, ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш усулларини эринмасдан тушунириб, амалиётга қўллашни ўргатади.

Утган йили изланувчан муаллим “Шухрат” медални, “Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони ва “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочили” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ургатиш икkitи баробар ўрганишдир, деган гап бор. Ўқитувчи дарсга кирар экан, унлаб қорақўз унга умид ва ишонч билан тикилади. Ўқувчи нафақат устознинг айтганини тинглайди, балки кўп-кўп саволларига жавоб, билим ва салоҳият истайди. Болалар ҳар доим устозининг қаттиққўл, талабчан, аммо меҳрибон ва тушунадиган бўлишини хоҳлайди. Таълим ва тарбиянинг муваффақиятли ташкил этилиши муаллимдан доимий ўзини ўзи такомиллаштириш, ўз устиди ишлаш, изланишни талаб қилади. Айни шу жиҳатлар ўқитувчининг қадрини юксалтиради. Уни шоғирдлар ва элу юрт наздида хурматга сазовор этади. Шерназар Саломов бунга яхши билади ва оғишмай амал қилади. Шу боис, меҳнат жамоасида ҳам, ўқувчилари орасида ҳам ҳурмати жойида. Изидан ҳавас билан термуладиганлар бисёр.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ОБОД МАНЗИЛЛАР



Зулфия МҮМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира

Бошланғич 1-бетда

Уша замоналардаёқ "Бу ёғоч уйлар эрта-индин бузилар экан", деган гап юрар эди. Орадан ўн йил, йигирма йил, йигирма беш йил ўтди. Ушбу "Йулдош шаҳарча" атрофига ҳам мустақиллик йиллари йўллар тортилиб, баланд бинолар қурила бошланди.

Янги шифохоналар, мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, мебель фабрикаси, катта-кичик бозорчалар очилди. Қачонлардир болаларимиз чўллари ўзлаштириб, экин-тикин учун сув келтирган Шокириқ ва Жўнариқ ёнида қадим-қадимдан мавжуд бўлган Қипчоқ, Сойбўйи, Нўғойқўрган маҳаллалари ҳам кенгайди. Ёғоч уйларнинг бузилишдан дарак бўлмас-да, унга қўшни бўлиб Дўстлик мавзеси қад ростлаб бошланди. Аммо бу ерларнинг шаҳарнинг чекка жойи экани ҳар лаҳза билиниб турарди.

Дўстликдан бизга ҳам уй nasib қилди. Мен жуда хурсанд эдим. Уйимиз шаҳарнинг чеккасида бўлса-да, об-ҳавоси тоза ва сўлим. Лекин транспорт масаласи жуда чатоқ эди. Эрталаб ишга, ўқишга борувчилар бекатларидан (бекатларнинг номи бор эди, холос) интиқ бўлиб автобус кутардик.

Автобус келиши билан ҳамма ўзини ичкарига урарди. Чиқишга улгурмаганлар кейинги — орадан бир соат ўтиб келадиган автобусни кутишга мажбур эди.

Кейинги автобуска чиқишда ҳам худди шу манзара: "Автобус резина эмас, уни мен чўза олсайдим, ҳамма сиғдирар эдим", "Сигмаганлар эшикка осилманглар, йиқилиб бир фалокат бўлмасин", дея бақирарди хайдовчилар. Аммо ҳамма шаҳарга бориши керак, барчанинг иши ва муаммоси шаҳар билан битар эди. Уша пайтлар

ЕЛКАСИГА ОФТОБ ТЕККАН ЯНГИҲАЁТИМ

Сергели туманига қарашли Дўстликда йўллар эпақага келтирилиб, "12-автобус саройи" очилди ва автобуслар қатнови бирмунча яхшиланди.

Мустақиллик йиллари худудимизда чинакам ҳаёт қайнаб бошлади. Аммо кўшимиз бўлган ёғоч уйлар ўша-ўша ҳолда қолди. Энг ёмони — қиш фаслида ёнғин чиқса, ўт учирувчилар етиб келгунча ёғочли уй 60-70 фоиз ёниб бўлар эди. Ўт учирувчиларнинг "бир оёғи" шу ерда бўлиб қолган, айнан ёғоч уйлар олдига Сергели тумани ўт ўчириш бўлими жойлаштирилди.

Барибир бу худуд одамлар таъбирлиги қарашли Ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби кўчириб келтирилган эди. Ҳозир бу ўқув даргоҳи Факултада вазиётлар вазириликка қарашли Ёнгин хавфсизлиги академиясига айлантирилган.

Барибир бу худуд одамлар таъбири билан айтганда "энг арзон", "чекка жой" бўлиб қолаверди. Ёнгарчиликлар бошланса, асфальтнинг ўйди-чуқурлигидан бир километр ҳам текис йўл қолмасди. У йўллардан беморларни шифохонага олиб бориш дард устига чипқондек эди.

Одамлар орзу қилишдан тўхтамадилар. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг жон томирини ушлаб қўриб, унинг қаерига қандай малҳам кераклигини билгучи ҳақимга ўхшайди. Йўқса, бизнинг худуддек чекка жойнинг муаммолари кимнинг ҳаёлига келибди?!

Биз томонда ҳам транспорт қатнови яхшиланармикин?

Метро келармикин? Янги корхоналар қурилармикин? Ижарада турган маҳаллаларга қўрқам, замонавий идоралар насиб этармикин? Оқшом сайр этишга осойишта ва ёғуқ йўлақлар қурилармикин? Уйларимиз ёнида машиналаримиз беҳавотир турармикин? Бизда ҳам замон талабидеги тиббиёт, маданият, спорт, адабиёт, маънавият, санъат муассасалари қад ростлармикин?

Бу бизнинг кечаги армону андуҳларимиз эди. Ниҳоят, 2020 йил Президентимиз худудга ташриф буюриб, унинг кўчалари, маҳаллаларини



қадамба-қадам кўздан кечирди. Уша ташрифдан сўнг худуд елкасига офтоб теғди. Маҳалла ва гузарлар Хизр нафаси теккандек яшариб ва яшилланиб, баҳорий илиқлик, наҳорий тиниқлик ифор сочди.

2020 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг тегишли қарори асосида Янгиҳаёт тумани ташкил этилди. 4 419,6 гектар худудли туманда 30 та маҳалла фуқаролар йиғини, 41 минг 266 та хонадон, 909 та кўп қаватли уй, 19 та мактабгача таълим ташкилоти, 15 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-ҳунар коллежи, 7 та тиббиёт муассасаси, 2 та маданият маркази мавжуд.

Жорий йил 18 февраль куни давлатимиз раҳбари Янгиҳаёт туманига яна ташриф буюрди. Президент ўз ташрифини ўтган йил ноябрь ойида иш бошлаган "Алмерро груп" МЧЖнинг қандолат корхонаси билан танишишдан бошлади. 95 турдаги ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхонани кўздан кечириб: "Сифати яхши, чет элники билан бемалол рақобатлаша олади. Фақат нархни тушириш бўйича имконият бор. Фақат импорт қилинаётган қўшимчаларни хомашё шаклида олиб, шу ернинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилса,

таннархни 10-15 фоиз арзонлаштириш мумкин. Шунда маҳсулотлар ахши сотилиб, қўшимча иш ўринлари очиш имконияти пайдо бўлади", дея маслаҳат берди.

Янгиҳаётлик ёшларни иш билан банд қилишни бошлаган янги технопаркда келажакда 24 та корхона ишга тушади. Технопарк учун 210 гектар ер ажратилган. 20 минг иш ўрни яратилади. Шундан 150 гектари икки босқичда аукцион савдога чиқарилади. Тадбиркорлар сотиб олинган ернинг мулкдори бўлади ва корхоналарни ўзлари қуради.

Президентимиз катта худудни эгаллаган мажмуа фаолиятининг эртасига баҳо бериб, "Тошкентда ер танқис, келгусида бундай майдонлар топилмайди. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш керак. Шунинг учун корхоналар кўп қаватли қилиб қурилади маъқул", деди. 2024-2025 йилларгача қуриб битирилиши мўлжаллаган ушбу лойиҳани тезроқ ишга тушириш зарурлигини айтди.

Ташрифнинг учинчи манзили биз яшаётган, 4 минг 365 аҳолини бағрига олган Дўстлик маҳалласи бўлди.

Маҳалламиз ҳали ҳам катта ҳаяжон ичида яшамокда. Фаолиятнинг ҳар бир дақиқаси олтиндан қиммат Президентимиз вақт ажратиб маҳалламизга келиб, биз билан учрашгани, озиқ-овқат дўконларини кўздан кечиргани тарихий воқеа бўлди, — дейди Дўстлик МФЙнинг 20 йиллик раиси Маъмураҳон Азимова. — Беш йил ичида аҳоли ҳаётига тааллуқли барча муаммолар ҳал бўлди. Оқшом кўчалар ва йўлақларимиз хилма-хил чироқлар билан ёритилди.

Болалар, спорт майдончалари, югуриш ва велосипед йўлақлари ҳамма ёшлар билан гавжум.

— Нурунийларимиз кечаю кундуз бемалол сайрга чиқадилар. Йўлақлар четига ўриндиқлар ўрнатилган. 30 дан ортиқ миллат истиқомат қилаётган маҳалламиз фуқаролари ўзаро ҳамжихат ва аҳил яшайди, — тўқинланиб давом этади М.Азимова. — Баланд биномизга чизилган "Дўстлик рамзи" мурали Президентга маъқул бўлганидан мамун бўлдик. Ташрифдан сўнг олдимизга қўйган топшириқларни бажариш учун маҳалла фуқаролар йиғини мажлисини ўтказиб, режалар белгилаб олдик. Мактаб ўқувчилари, талаба-ёшларимиз келиб "Дўстлик рамзи" мурали туширилган



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

бино олдида Президентга ёққан тасвирдан эсдалик учун суратга тушмоқда.

Давлатимиз раҳбари тумандаги "бокс стрит" қуриш лойиҳаси ҳамда шаҳримизда ҳаракатланётган электробус фаолияти билан танишди. Айланма йўлдаги "бокс стрит" савдо, овқатланиш, маиший хизмат шохбачалари кечаю кундуз фаолият кўрсатишга мўлжалланган. Мазкур лойиҳа арзон ва тез битиши учун юк контейнерларидан фойдаланилади. Бу ерда келгусида 500 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Бир пайтлар мақсадсиз увол бўлиб ётган 72 гектар жойда бугунги кунда "Тошкент индекс" савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қад ростлади. Наврўз байрами арафасида ишга тушадиган, қарийб 1 триллион 300 миллиард сўмлик иншоотда логистика ва экспормарказлар, меҳмонхона, ошхона қурилмоқда.

Юртимиз раҳбари мажмуани кўздан кечирди ва тегишли маслаҳатларини берди. Ташриф якунида Президентимиз фаоллар билан ўтказилган йиғилишда туман ташкил этилган вақтларни эслаб ўтди.

"Бир пайтлар биз Янгиҳаёт туманини ташкил қилганимизда бу ерда ҳаёт бўлармикин, деган шубҳалар бор эди. Агар биз Сергели билан Янгиҳаётни ажратмаганимизда 360 минг аҳолини бошқариш оғир бўлар эди. Ва бугунги натижаларга эриша олмадик. Бундан беш йил аввал Сергелида янги туман, янги ҳаёт, кўп иморатлар бўлади, деганимизда кўп дўстларимиз ишонмишмаган эди. Мана, қилса булар экан", деди Президент.

Биз Янгиҳаёт туманида яшаймиз ва бундан ғурурланамиз. Унинг порлоқ келажакдан хотиржаммиз. Булбул чаманда сайрагани каби мен ҳам туманим тонгпарни, сурмаранг оқшомларидан илҳомланаман.

Янгиҳаётим десам,
Бошим тега осмонга.
Бошим узра булбуллар,
Айланади достонга.
Учиб ўтар метролар,
Йўллар гулга ўралган.
Туманимнинг эртаси,
Аллоҳимдан сўралган.
Янгиҳаётим десам,
Гуллар қаломга келди.
Оқшомда ой юлдузлар,
Сенга саломга келди.
Маҳаллалар, Юрторлар,
Нур ёшлар ҳар ёнида.
Яшнар Янгиҳаётим,
Янги Ўзбекистонда.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Фарҳод НЕҒМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Атмосфера ифлосланиши, озон қатлами емирилиши, тупроқ унумдорлиги пасайиб бориши, чўлланиш, чучук сув манбалари ва биохилмаҳиллик қамайиши, маиший чиқиндилар кўпайиши, иқлим ўзгариши аллақачон глобал экологик муаммага айланди ва жаҳон аҳлини ташвишга солмоқда.

Шу боис, юртимизда атроф-муҳитни ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги фармонида аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарраҳт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил май-



донларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар қўриш белгиланган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳавони табиий равишда тозалайдиган ягона восита яшил дарраҳтзорлардир. Бир гектар яшил дарраҳтзор ажратадиган ягона кўшма 200 кишининг бемалол нафас олиши

учун етарли бўлади. 1 дон арга эса 20 квадрат метр худуд ҳавосини кислород билан тўйинтиради. Яшил дарраҳтзорлар ўзлари орқали ўтадиган шомол тезлигини 3 бараваргача пасайтиради. Бу эса ўша худуддаги чанг-тўзон атрофга тарқалишининг олдини олади.

Шу боис, мамлакатимизда ҳар йили баҳор ва куз ойларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларига қўра, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Жиззах вилоятининг барча худудларида 2021 йил куз мавсумида 6,5 миллион тўлдан зиёд манзарали, мевали дарраҳт ва бутта кўчати ҳамда қаламчалари экилган. Жорий йил баҳорда эса 10 миллион 77 минг туп кўчат ҳамда қаламча экиш юзасидан вилоят ҳокимлиги дастури ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган фармонида асосан, давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарраҳт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши мuddатсиз

ЯШИЛ ДАРАҲТЗОРЛАР ҲАВОНИ ТАБИЙ ТОЗАЛАЙДИГАН ЯГОНА ВОСИТА

даврга узайтирилгани муносабати билан дарраҳтлар кесилишига боғлиқ қарорларни қабул қилиш таққиланиши юзасидан Жиззах шаҳри ва туманлар ҳокимликларига хатлар юборилди.

Давлат экология қўмитаси томонидан 14 та планшет ажратилиб, шаҳар ва туманлар худудларида экилган кўчатлар сони, тури ва жойлашувини ўз ичига олган маълумотлар "Яшил макон" платформасининг ягона электрон тизимига киритилмоқда.

Вилоят худудида 2022-2024 йилларда 81,3 гектар ерда боғ ва 81,3 гектар ерда жамоат парклари барпо этиш кўзда тутилган. Боғлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 4 миллиард 127 миллион сўм сарфланади. Бундан ташқари, вилоятнинг Пахтакор, Зафаробод, Янгиобод ва Фалларол туманларидаги мавжуд маданият ва истироҳат боғлари негизда жами 6,71 гектар майдонда жамоат парклари ташкил этилади.

Жиззах шаҳри ва туманлар марказларини кўкаламзорлаштиришда бир турдаги дарраҳт ва бутта кўчатларини экиш орқа-

ли каштанли, чинорли каби кўчаларни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Вилоятда март ойида "яшил ҳафталик" тадбирлари ўтказилди. Бу тадбирларда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан аҳолига бепул кўчатлар тарқатилади ҳамда ташкил этилаётган боғлар ва жамоат паркларидаги ниҳоллар экилади.

2022 йил баҳор мавсумида худудларга кўчатларни етказиб бериш юзасидан вилоятдаги ўрмон хўжалиқларининг 53,7 гектар майдонида 3 миллион 388 минг тўлдан зиёд манзарали ва мевали кўчат захираси тайёрланди.

Вилоятдаги дарраҳтларни парварিশлашга "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га кирган 526 нафар вақтинча ишсиз фуқаро жалб қилинди. Президент фармони ижроси доира-

сида бажарилши режалаштирилган ушбу ишлар, рақамлар таҳлили кишини қувонтиради. Бу яқин беш йилда Жиззах вилояти кўкаламзорлашган, яшил худудга айланшидан дарраҳтлар, Энди дарраҳтларни эккан шахс ва масъул раҳбарлар зиммасида улкан масъулият турибди.

Зеро, аждодларимиз қадимдан кўчат экиш, боғ яратишга алоҳида эътибор қаратган. Улар эккан дарраҳтлардан биз фойдаланялмиш. Юртимизда ёши минг йиллик дарраҳтлар бор. Фуқароларимизнинг экологик маданиятини юксалтириб, уларни кўпроқ кўчат экиб, боғ яратишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атмосфера мусоффолигини таъминлашга ундашимиз зарур. Шунда ҳам келажак авлод олдидаги қарзимизни адо қиламиз, ҳам саломатлигимизни сақлаш учун муҳим ишга қўл урган бўламиз.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси**

Тажриятга келган қўлмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 462. 85881 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиш: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 21:31 Топширилди — 23:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz